

ТИЛ БИЛМОҚ-ЭЛ БИЛМОҚДИР

Саидисаков Саидахроп Саидакромович

НамДПИ магистри

Аннотация: Мақолада хорижий тилни ўрганиш борасидаги фикрлар ифода этилган. Тарихий даврларда ҳам давлатни ривожлантиришда хорижий тилни билиш ўрни Амир Темур давлатининг ривожини мисолларда баён этилди. Мамлакатимиздаги ислохотлар жараёнида хорижий тилларни билишга эътибор ҳақида фикрлар билдирилди. Дарҳақиқат, бу йил мамлакатимизда «Ёшлар ва бизнесни қўллаб қувватлаш» йили деб эълон қилинган экан, айнан ёшлар томонидан хорижий тилни билишда таълим сифати ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: Президент, Олий Мажлис, Ўзбекистон, халқ, Мурожаатнома, хорижий тил, эътибор, талаб, мамлакат, ёшлар, тил ўрганиш, очиқлик сиёсати, чет эл инвестициялари, янги корхоналар, замонавий билимлар, мактаб, юқори малакали, хорижий ўқитувчи, тил билмоқ, эл билмоқ, фикр, тарих, маданият, эътиқод, ривожланиш жараёни, сифатли таълим.

Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида хорижий тилларни ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Президент хорижий тилни ўрганишга бўлган талаб, мамлакатимиз ёшларига бўлган эътибор эканлигини таъкидлаб, тил ўрганиш чораларига қуйидагича тўхталди: - “Ҳозирги очиқлик сиёсати, чет эл инвестициялари ва янги корхоналарнинг ортиб бораётгани ёшларимизни замонавий билимлар ва хорижий тилларни ўрганишга ундамоқда. Шу боис, мактабларга юқори малакали хорижий ўқитувчиларни олиб келишга мажбур бўляпмиз⁵⁶”.

Тил билмоқ-эл билмоқдир, деганда халқимиз тўғри фикр билдирган. Хорижий тилни ўзлаштирган инсон шу тилда сўзлашувчи бошқа халқ маълумотини билади. Шу халқнинг тарихи, маданияти, эътиқоди, ривожланиш жараёни, ҳатто келажак тараққиёти ҳақида фикр билдира олади.

Тарихий шахсларимиз Аристотель, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алоуддин Абу Бакр Косоний каби уламо шахслар тарихини ўргансангиз, уларнинг бир неча ўнлаб тилларни билганлиги ҳақида маълумотга эга бўласиз.

Масалан, Абу Райхон Беруний шарқ тилларини яхши билганлиги учун ҳам “Хиндистон” асарини ёза олган. Алоуддин Абу Бакр Косоний араб тилларини билгани учун ҳам “"Бадоеу-с-саноеъфи тартиби-ш-шароеъ"” номли асар ёзган ва бу хозирга қадар таълим ва тарбия борасидаги манба сифатида элга хизмат қилмоқда. Абу Бакр ибн Масъуд ибн Косоний ўз завжалари билан бир қанча шаҳарларга сафар қилди. Бу сафарда Рум шаҳрига ҳам борди. Кейин Шомга келишиб, Ҳалабда ўрнашиб

⁵⁶ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz>

қолишди. Ўша даврда Ҳалабнинг одил подшоҳи Нуруддин Маҳмуд Зангий Алоуддин Косонийни дорулфунунга раҳбар этиб тайинлаш билан бирга, доим ўзининг маслаҳатчиси сифатида кўрган.

Ўрта асрлардаги улуғ хукмдор Амир Темур ҳам хорижий тилларни билган шахсларни ҳурмат қилган. Давлат ишларига жалб этган. Мавзуни ўрганиш борасидатарихий фактларга эътибор қаратилди. Жумладан, Муҳаммад Кеший шахси ўрганилганда, у киши хорижий тилларни чуқур ўзлаштирганлиги учун, дипломатик муносабатларда Темурдек хукмдорнинг эътиборида бўлганлиги кузатилди.

Амир Темур Насаф ва Кеш олимлари, диний ва дунёвий илмлардан хабардор, хорижий тилларни биладиган қобилиятли шахсларни ўз саройига ишга жалб этган. Улар турли лавозимлар қатори элчилик вазифасини ҳам адо этишган. Масалан, Муҳаммад Кеший Соҳибқироннинг элчиси сифатида маълум муддат Испанияда яшаб келган бўлса, Мавлоно Абдуллоҳ Кеший⁵⁷ Амир Темур томонидан Миср султони Фаражга элчи қилиб юборилган. Мавлоно Абдуллоҳ Кеший – Амир Темурнинг Мисрга юборган элчиси. Амир Темур билан душманлик кайфиятида бўлган Миср султони Барқуқ тўсатдан вафот этгач Миср тахтига Султон Фараж ўтиради. У Амир Темурнинг талабларини қабул қилиб, ўзини Амир Темурнинг вассали деб тан олади ва икки ўртада сулҳ тузилади. Ушбу сулҳнинг имзоланишини Амир Темур томонидан Абдуллоҳ Кеший элчи сифатида назорат қилади.

Ўша даврда Амир Темурнинг шуҳрати бутун Европага тарқалган. Шу сабабли Муҳаммад Кеший Кастилия Қироли Дон Энрике III ҳузурида катта ҳурмат-эътибор билан кутиб олинган. У Қирол саройидаги ва йирик зодагонлар қасридаги қабулларда иштирок этган. Қирол унга Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги ўз элчиларини қўшиб, ҳурмат-эҳтиром билан Самарқандга кузатиб қўйган⁵⁸.

Бу тарихий мисолдан кўриниб турибдики, давлатнинг кучли ва халқаро муносабатларда мустаҳкам бўлишида хорижий тилларни ўрганишнинг ўрни катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз тараққиётида ҳам хорижий тилларни билишга катта аҳамият берилди.

Айниқса, Янги Ўзбекистон тараққиётида хорижий тилларни ўрганишга эътибор шу даражада бўлдики, Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарори қабул қилинди.

Қарорни ижросини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий вакиллари лавозимлари ташкил этилди. Гарчанд, Навбатдаги

⁵⁷ Н. Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2006. – 103-104-бетлар

⁵⁸ Саидов Акмал. Улуғ алломалар мероси – мустаҳкам эътиқод асоси. Ziyouz.uz.

ислохот сифатида, Президент, янги маъмурий ислохотлар тўғрисидаги Фармон⁵⁹да агентлик тугатилган бўлсада, салмоқли ишлар аалга оширилди.

Хорижий тилларни ўрганиш, хорижий тилларни ўзлаштирган шахсларга сертификатлар ва имтиёзлар бериш чора-тадбирлари белгиланди.

Президентимиз томонидан педагогларга шароитлар яратиш ва уларни кадрлаш борасида донишмандларча фикр билдирилди, “биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни кўллаб-қувватлашга қаратамиз. «Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади». Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак. Шу боис, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш бу йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади. Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарур, деб ҳисоблайман⁶⁰”-деб таъкидлади, давлатимиз раҳбари.

Президентимиз, томонидан таълимга берилган эътибор шу даражада кучли –ки, 2022 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига Мурожаатномасида, -“Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир”, -деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ривожланиши учун сифатли таълим зарур. Жумладан, хорижий тилларни ўргатишда ҳам таълим сифатини юқори даражага кўтариш керак. Бунинг учун хорижий тилларни ўргатувчи марказларга субсидиялар ажратиш мақсадга мувофиқ ишдир.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz>
2. Н. Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2006. – 103-104-бетлар
3. Саидов Акмал. Улуғ алломалар мероси – мустаҳкам эътиқод асоси. Ziyouz.uz.
4. Чубоева Озодахон. “O'ZBEKISTONDA MILLATLARARO TOTUVLIKNI TA'MINLASHNING KONSTITUTSIYAVIY-HUQUQIY ASOSLARI” PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS / 2022 – PART 10
5. Ozodaxon Chuboyeva Quvonchbekovna . The importance of “Kazilik adabi” in Abu Bakr Kasani’s work “ Badoi-us-sanoe”. International Scientific Journal ISJ

⁵⁹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.12.2022 й., 06/22/269/1117-сон

⁶⁰ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz>

Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 01, volume 81 published January 30, 2020

6. Чубоева Озодахон. НИГИЛИЗМ-ХУҚУҚИЙ ОНГ, ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ХАВФЛИ ОМИЛИ. TURKEY International scientific-online conference: "THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH". Part 5, Issue 1 MAY 31 st

7. Chuboyeva Ozodaxon. Абу Бакр Косоний и его трудов в педагогике. Научный журнал. Учёный XXI ВЕКА. 2020 год ISSN 2410-3586 .85-89

8. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.12.2022 й., 06/22/269/1117-сон

9. Саидисаков Саидахроп Саидакромович. ЭМОТИВНОЕ ЗНАЧЕНИЕ И КАТЕГОРИЯ ЭМОТИВНОСТИ. 198 PEDAGOG RESPUBLIKA ILMIY JURNALI. 7 – ТОМ 2 – SON / 2024 - YIL / 15 – FEVRAL. <http://www.bestpublication.org/>. 198-203

10. Chuboyeva Ozodaxon Kuvonbekovna. OILA MUQADDASLIGI HUQUQIY ASOSLARI. —PEDAGOG RESPUBLIKA ILMIY JURNALI. 15-FEVRAL, 2024-YIL. 7-TOM 2-SON. <http://www.bestpublication.org/>